



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MONOPOLIYAGA
QARSHI KURASHISH QO‘MITASI HUZURIDAGI
ISTE‘MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI**

**CONSUMER PROTECTION AGENCY
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**



100128, Toshkent sh., Labzak ko‘chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-46-00, Tel.: (998 71) 241-22-53
Ishonch telefoni: 1159, Sayt: consumer.uz, e-mail: info@consumer.uz, e-xat: consumer@exat.uz

“ 16 ” август 2021 й. № 01-06/3902

Савдо ва хизмат кўрсатиш (сервис) корхоналари, тижорат банклари

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси хузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 сентябрдаги ПФ-5817-сон Фармони*).

Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш тармоқлари, тижорат банклари аҳолига қулайлик яратиш мақсадида 24/7 режимида, кечаю кундуз узлуксиз хизмат кўрсатадиган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шохобчаларини (банкоматлар, инфокиоск, инфомонитор) ташкил қилмоқда.

Хусусан, товар ишлаб чиқарувчи (иш, хизмат) кўрсатувчи корхоналар томонидан кўрсатилаётган хизматлар рекламаларида истеъмолчиларга қўлайлик яратиш, хизмат кўрсатиш сифати ва қўламини яхшилаш мақсадида Call центр, ишонч телефонлари, қисқа рақамлар ташкил қилиниб, рекламаларда мазкур хизматларнинг дам олиш кунларисиз, куннинг исталган вақтида, 24/7 (24 соат, ҳафтада 7 кун) режимида ишлаши, аслида эса, иш вақти чегараланганлиги тўғрисида нотўғри ахборотлар тарқатилиши кузатилмоқда.

Ўз наватида, реклама ахборотидаги маълумотлар амалдаги ҳолатга мос келмаслиги истеъмолчиларнинг маълумот олишга бўлган ҳуқуқлари бузилишига ва ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларининг ҳам ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасига мувофиқ, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, **тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт**.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан қонунийлик, аниқлик, ишонччилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир.

Шунингдек, ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки

чалғитиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланиб, бундай реклама тақиқланади (*13-модда*).

Юқоридагиларга асосан, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилишингиз, рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган ҳолатларга олдини олиш мақсадида, рекламаларда товар (иш, хизмат) тўғрисидаги муҳим маълумотлар тўғри ва тушунарли бўлишини таъминлаш сўралади.

Директор ўринбосари



А. Қурбонов

*Ижр: А.Ахмедов,
Тел:712474600 (316)*